O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 13 апрель, № 72 (4225) Жума

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 апрель куни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Испания Қироллигининг ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель Анхель Моратиносни қабул қилди.

— Биз нафақат ЕХҲТнинг амалдаги раиси, айни пайтда Ўзбекистон билан дўстона муносабатларга эга мамлакат — Испания ташқи ишлар вазири билан учрашиб турибмиз, — деди мамлакатимиз раҳбари.

Маълумки, мазкур ташкилотга аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари ҳар йили навбати билан унга раислик қилади. Бу Испания Қироллиги ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель Анхель Моратиноснинг ЕХҲТ раиси сифатида Ўзбекистонга илк ташрифидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2003 йилнинг январь ойида Испания Қироллигига давлат ташрифи икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни янги босқичга кўтарди. Испания Ўзбекистонга минтақамиздаги етакчи мамлакат сифатида қарайди.

Ушбу халқаро ташкилот раҳбарияти эътироф этганидек, 1992 йили ЕХҲТ сафидан жой олган Ўзбекистон демократик институтларни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш орқали хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидан изчил бормоқда. Ўзбекистоннинг ушбу халқаро ташкилот ишидаги фаол иштироки ЕХҲТ кўп қиррали ва самарали фаолият юритишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Шу боис ЕХҲТ мамлакатимиз раҳбариятининг ушбу халқаро ташкилот билан самарали ҳамкорлигини юксак баҳолайди.

ЕХҲТнинг амалдаги раиси Марказий Осиё ушбу ташкилот учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини, Ўзбекистондаги барқарор иқтисодиёт ва ривожланган фуқаролик жамияти, мустаҳкам тинчлик ва осойишталик ҳамда самарали бошқарув Евроосиё ва Трансатлантика минтақаларида хавфсизликни таъминлашда муҳим ҳаётий омил эканини таъкидлади.

Испаниянинг ЕХҲТга раислиги даврида ташкилотга аъзо давлатлар ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, хусусан, террорчилик ва экстремизмга қарши курашиш масалаларига эътиборни кучайтириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, ташкилотнинг нуфузини янада ошириш ва бошқа масалалар устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон ва ЕХҲТ муносабатларининг бугунги аҳволи ҳамда истиқболлари хусусида атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА).



Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида юртимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш олдимизда турган барча вазифаларни амалга оширишда катта пойдевор бўлиши алоҳида таъкидланди.

МЕҲР-ОҚИБАТ БОР ЖОЙДАН БАРАКА АРИМАЙДИ

Бунда маҳаллаларнинг ўрни беқиёс. Шу боис юртимизда маҳаллаларга қаратилаётган юксак эътибор туфайли ушбу институтнинг мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. Уларнинг равнақи учун зарур шарт-шароит яратилиб, фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилянти. Тегишли қонун ҳужжатлари асосида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, маҳалла посбони каби тузилмалар иши йўлга қўйилди.

Маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишда бу ишлар учун масъул кишиларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими фаолиятига оид қонун ҳужжатларидан яхши хабардор бўлиши ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ва ҳуқуқий билими ҳамда раҳбарлик малакасини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир ҳаракат дастури ҳам қабул қилинган. Шу асосда Республика "Маҳалла" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги зарур чора-тадбирларни амалга ошираяпти.

— Мамлакатимизнинг деярли барча туман ва шаҳарларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари иштирокида ўқув семинари ўтказилди, — деди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлими бошлиғи, подполковник Абдужаббор Абдунабиев ЎзА мухбирига. — Асосий эътибор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларини мазкур тузилма фаолиятига оид янги меъёрий ҳужжатлар билан таништиришга қаратилди. Маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторларининг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, ёшларнинг жамият равнақидаги фаоллигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Бу вазифаларнинг ҳаётда ўз ифодасини топиши халқимиз осойишталиги ва фаровонлигининг асоси бўлиб хизмат қилаётганини пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Журжоний номидаги маҳалла мисолида кўриш мумкин. Уч мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган бу маскан, аввало, ободлиги билан кўзни қувонтиради.

— Маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторларининг ҳамкорликда фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яртилган янги бинода иш бошлаганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди маҳалла оқсоқоли Бахтинур Саидов. — Аммо бу қулайлик ишимизга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб улгурди. Аҳоли, айниқса, аёллар ва ёшлар учун фойдали ўқув курслари, кичик бизнес шохобчаларини кенгайтириш имконияти туғилди.

Маҳаллада бекорчи кишини учратмайсиз. Одамлар қувончу ташвишларини маҳалла оқсоқоли билан баҳам кўриши муаммолар юзага келишининг олдини олишга хизмат қиляпти. Шунинг учун ҳам маҳалла муҳити соғлом. 2005 йилдан буён бу ерда бирорта ҳам жиноят қайд этилмагани бу фикрнинг тасдиғидир.

Шу боис маҳалла аҳли жорий йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» танловида биринчи ўринни қўлга киритган.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.

МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШ БЎЛСИН

Термиз шаҳрида "Ижтимоий йўналтирилган иқтисод, корхоналарнинг маҳсулдорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Республика Савдо-саноат палатаси ҳамда Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги фонди ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этди.

Сурхондарё вилоятида 19 минг 932 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 60 фоиздан ошди. Воҳада тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2006 йили тижорат банклари томонидан 15 миллиард 650 миллион сўмдан зиёд кредит ажратилди. Натижада мулкдорлар замонавий технология асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдалар.

Ўтган йили Термиз шаҳрида "Сурхонпласт" масъулияти чекланган жамияти ишга туширилган эди. Хитой технологияси билан жиҳозланган корхонада пластик эшик-ром, қувур, полиэтилен плёнка сингари ўндан ортиқ турдаги рақобатбардош маҳсулот тайёрланмоқда. Бу ерда элликка яқин янги иш ўрни яратилди. Денов туманидаги "НИГ" масъулияти чекланган жамияти Россия ускуналари асосида пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган янги корхона бунёд этди. Бу ерда 150 киши иш билан таъминланди. Айни кунларда Шеробод туманидаги "Маржон" хусусий корхонасида Хитойдан келтирилган замонавий мебель ишлаб чиқариш технологияси ўрнатилаётгани, йигирмадан ошиқ янги иш ўрни ташкил қилиниши воҳа тадбиркорлари изланишда давом этаётганидан далолатдир.

Семинарда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида корхоналар маҳсулдорлигини ошириш юзасидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, бизнесда муомала маданияти каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Х. МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири.

Яқинда Ашхобод шаҳрида «Миллий фольклор ва театр санъати» халқаро фестивали бўлиб ўтди. У Туркманистон Маданият вазирлиги томонидан ташкил этилди.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН МУКОФОТИ — ЎЗБЕК САНЪАТКОРИГА

Маданий анжуманда дунёнинг 14 давлатидан ташриф буюрган 12 фольклор-этнографик ансамбли ҳамда 11 театр жамоаси иштирок этди. Юртимиздан Наманган вилоятидаги Алишер Навоий номидаги мусиқали драма ва комедия театри, Қорақалпоғистон Республикасидаги Сапар Ҳожиниёзов номидаги Давлат ёш томошабинлар театри ва Генжабей бахши номидаги «Мухаллес» фольклор жамоаси ҳамда Сурхондарё вилоятининг «Булбулигўё» этнографик ансабли Туркманистон пойтахтининг аҳолиси ва меҳмонларига ўз санъатларини намойиш этишди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ушбу фестивалда ўзининг тўрт жамоаси билан қатнашган ягона мамлакат бўлди. Бу ҳам мамлакатимизда маданият ва санъатга берилаётган катта эътиборнинг ўзига хос эътирофидир, дейиш мумкин.

Ашхободдаги Бош драма театри майдонида мазкур халқаро фестивалнинг очилиш маросими бўлди. У Ашхобод шаҳар театрлари, концерт майдонлари ва хиёбонларида намойиш этилган маданий чиқишларга уланиб кетди. Шунингдек, тадбир доирасида театр ва фольклор санъатининг замонавий ривожланиши тамойиллари мавзусига бағишланган илмий конференция ҳам бўлиб ўтди.

Анжуман ниҳоясида Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театри актрисаси Меҳри Абдуллаева «Энг яхши аёл образи учун» йўналиши бўйича ушбу халқаро фестиваль мукофотига сазовор бўлди. Шунингдек, Сурхондарё вакиллари ҳамда қорақалпоғистонлик санъаткорлар ҳам анжуман лауреати дипломларини қўлга киритдилар.

«Жаҳон» АА.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Қадамлари шаҳдам, қарашлари ўктам

Вилоят йиғилув марказида бир гуруҳ йигитлар саф тортган. Ҳаммаси бақувват, соғлом, чаққон. Қадамлари шаҳдам, боқишлари ўктам. Кийинишлари ҳам бир хил уларнинг, гўё эгизаклардек.

— Сафнинг бошидагиси менинг Фозилжоним, — дейди ота-оналардан бири ёнидаги шеригига қувонч билан. — Зўрга танибман. Қаранг, йигитларимизга спорт формаси қанчалик ярашибди.

Самарқандда йигитларни Қуролли кучларимиз сафига томонлама баркамол йигитларни танлаб олаяпмиз, — деди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Эркин Абдурахмонов. — Таъкидлаш лозимки, кейинги тўрт-беш йилда ҳарбий хизматга интилаётган ёшлар сони ошди. Фарзандини Ватан хизматига жўнатиш ота-оналарнинг орзусига айланди. Бу шубҳасиз, миллий армиямиз обрўси ва нуфузи ошиб бораётганидан далолат.

Баҳорги чақирув

муддатли ҳарбий хизматга қузатиш катта тантанага айланди. Унда ҳарбий хизматга чақирилган йигитларнинг ота-оналари, вилоят ҳокимлиги ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

— Мамлакатимиз Президентининг шу йил 7 мартдаги «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарори талаблари асосида армиямиз сафларига энг муносиб, ҳар

Ҳарбий хизматга отланганларга Мудофаа вазирлигининг спорт костюмлари ва вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди. Уларга «Армия — ҳаёт мактаби» деб номланган мўъжазгина қўлланма ҳам берилди. Аҳамиятлиси, бу китобчада бўлғуси аскарга ҳарбий хизмат жараёнида керак бўладиган маълумотлар жамланган.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДУНЁ НИГОҲИ

— Москва Даалат университетининг биринчи курсида ўқиб юрган кезларим тарих факультетидан журналистика факультетига ўтишни режалаштириб қўйгандим. Лекин Сурхондарёга уюштирилган илк археологик экспедиция режаларимни ўзгартириб юборди. Мен археология фанига меҳр қўйиб, Ўзбекистонни том маънода севиб қолдим. Ўзбекистон кўплаб маданиятлар туташган қадимги серкуёш заминдир. Бу ўлкага бир бора келган ва ўзбек халкининг меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар бўлган инсоннинг қалбида муҳаббат туйғуси уйғонмасдан қолмайди.

Наталья ДЕМЕНТЬЕВА, Россия Федерацияси Федерал Йиғини Федерал Кенгаши аъзоси.

«Шунқорлар» баҳси

Асосан ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказиладиган ушбу ҳарбий-спорт мусобақалари чақирув мавсумигача бўлган муҳим оммавий-мудофаа ишлари сирасига киради. Наманган шаҳридаги «Динамо» спорт мажмуасида «Шунқорлар» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур кўрик-танловнинг ўзига хос жиҳати шундаки, ўқувчилар унда жанговар ва ҳарбий спорт беллашувларидан ташқари ҳарбий бурч ҳамда ҳуқуқий ҳақдаги билимларини ҳам синовдан ўтказадилар. Танловда жамоаларнинг аксарияти мусобақаларнинг саф тайёргарлиги, мерганлик, узоқ масофага югуриш ва тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш каби шартларини аъло даражада бажардилар.

Янгиқўрғон қишлоқ хўжалик коллежи жамоаси кўрик-танловда биринчи ўринни олди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса Учқўрғон ижтимоий-иқтисодий ва Косонсой тиббиёт коллежлари жамоасига насиб этди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат.

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

Нукусда Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ташаббуси билан Оролбўйи фермерлари учун икки кунлик семинар-тренинг ташкил этилди.

Унда фермер хўжаликлари фаолиятига тааллуқли ҳуқуқий ҳужжатлар, бухгалтерия ва статистик ҳисоботларни юритиш, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган кимёвий ўғитлар, турли зараркунандаларга қарши кураш чоралари, экология, тупроқ таркибининг бузилишига йўл қўймаслик, атроф-муҳит зарарланишининг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди.

Замонавий, интерфаол усулда олиб борилган тренинг машғулотлари ўзаро савол-жавоб, қизиқарли суҳбат тарзида ўтказилди. Асосий эътибор фермерларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, уларнинг илғор тажрибаларини кенг оммалаштириш, дуч келаётган муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш, фермерларни қўллаб-қувватлаш масалаларига қаратилди.

А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири.

Сенатор минбари

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи йиғилишларида муҳокама этилиб, маъқулланаётган қонунлар, моҳиятига кўра, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда қонунчилик механизмининг тўкис ишлашини таъминлашга хизмат қилувчи ҳуқуқий пойдевор вазифасини бажармоқда.

ҚОНУНЛАРИМИЗНИНГ ҲАЁТДАГИ ИЖРОСИ

фуқароларимизнинг бевосита фаоллигига боғлиқ

Зеро, «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қонунлар ҳам йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисаларининг камайишига эришиш, фуқароларимиз ҳаётига хавф солувчи ҳолатларни бартараф қилиш каби долзарб масалаларни ҳал этишга кўмаклашиш билан бир қаторда жамиятимиз қонунчилик механизмини такомиллаштиришга ҳам хизмат қилиши, шубҳасиз. Аслида бу қарашлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 февралдаги "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, 2003 йил 19 августдаги "Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Фермерлар саховати

Хоразм вилояти Гурлан туманидаги Бирлашган қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти ўз фаолиятини бошлади.

■ Ушбу шифо маскани қурилишига Бирлашган қишлоғининг ўнга яқин саховатпеша фермерлари ҳомийлик қилдилар. Бу ерда беморлар даволаниши учун барча шарт-шароит яратилган. Қишлоқ врачлик пунктини яна 25 млн. сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бутловчи қисмлар — ўзимиздан

Қўқондаги "Электромаш" масъулияти чекланган жамияти маҳаллийлаштириш дастурига кўра, ўтган йили Асакадаги "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасига 1 миллиард 441 миллион сўмлик бутловчи қисмлар етказиб берди.

■ Бу юқори сифатли маҳсулотлар қўшма корхонанинг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди.

Яқинда эса асакалик автомобилсозлардан "Матиз" ва "Дамас" автомобиллари учун янги турдаги маҳсулотлар — иккитадан бутловчи қисмларга қўшимча равишда буюртма тушди. Бу эндиликда нафақат ишлаб чиқариш суръатини ошириш, балки қўшимча иш ўринларини яратиш имконини беради.

Қурбоной СУЛТОНОВА.

Кичик корхонага катта ишонч

■ Ўтган йил охирида мамлакат пойтахтида ўтказилган тендер танловларидан сўнг Намангандаги «Муштарий» очиқ акциядорлик жамиятининг «Тикувчи» кичик корхонасининг буюртмалар портфели йирик шартномалар билан тўлди. Мамлакат Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари чеварлар жамоасига ўзларининг махсус кийимларини тикишни ишониб топширдилар.

Бугун уч юз киши меҳнат қилаётган жамоада иш қизғин. Ишда унум ортганини айтмайсизми. Жорий йилнинг биринчи чорагида 379 миллион 834 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоизга кўпдир.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи»
мухбири.

БЕҲРУЗ ВА СЕВАРА — ГРАН-ПРИ СОВРИНДОРЛАРИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида республика ўқувчиларининг "Сеҳрли ёғду-2007" кино-фото санъати фестивали якунланди. Уни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Камалак" болалар ташкилоти, Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази, Киновидеоҳаваскорлар жамияти ва Миллий телерадиокомпания ҳамкорликда ташкил этди.

■ Фестивалга ёш ижодкорлар томонидан тайёрланган "Менинг Ватаним", "Мустақил Ўзбекистон", "Ўқувтарбия жараёни", "Мактаб, спорт ва болалар ҳаёти", "Маънавият ва маърифат маскани" сингари мавзулардаги 350 дан кўпроқ ижодий ишлар тақдим этилди.

Ана шундай иқтидорли ёш ижодкорлардан бири Бехруз Эргашев Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 21-мактабнинг 6-синфида таҳсил олиш билан бир қаторда, мактаб ҳузуридаги ўқувчилар техник ижодиёт маркази фотосанъати тўгарагида фаол иштирок этади. Унинг "Спорт — соғлик гарови" туркумидаги фотосуратлари танловнинг вилоят босқичида биринчи ўринга лойиқ топилган эди.

Қоракўл туман халқ таълими бўлими бош мутахассиси Насриддин Раҳимовнинг айтишича, Қоракўлда мактабдан ташқари таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қаралади. Туманда спорт, экология, ўлкашунослик, техника, санъат ва бошқа йўналишларга ихтисослашган икки юздан кўпроқ тўгарак ишлаб тургани бунинг далилидир. Жумладан, олти йўналишда фаолият юритаётган элликдан ортиқ техник ижодиёт марказида қарийб минг нафар бола дарсдан бўш вақтини мазмунли ўтказиш билан бир қаторда, муайян касб-ҳунар сирларини ҳам эгаллаяпти. Бехруз Эргашев — улардан бири. У қатор йиллардан буён туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган ижодкор ўқувчилар фестиваль ва танловларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Ёш фото санъати ихлосманди Бехруз Эргашевнинг бу борадаги изланишлари республика ўқувчиларининг "Сеҳрли ёғду-2007" кинофото санъати фестивалида ҳам муносиб эътироф этилди. У танловнинг фото санъати йўналишида гран-при совриндори бўлди.

Фестивалнинг кино санъати йўналишида эса олий соврин пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги туризм коллежи ўқувчиси Севара Абдусаломовага насиб этди. Унинг "Бахтли болалик" фильми гран-при билан тақдирланди.

Тадбирда, шунингдек, "Энг яхши сценарий", "Энг яхши режиссёр", "Энг яхши мусиқий безак", "Энг истеъдодли тасвирчи", "Энг истеъдодли актёр" номинацияларида ғолиблар аниқланди. Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг диплом, фахрий ёрлиқ ва совғалари билан тақдирланди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

ҚОНУНЛАРИМИЗНИНГ ҲАЁТДАГИ ИЖРОСИ

фуқароларимизнинг бевосита фаоллигига боғлиқ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республикаси автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги қарорлари асосида яратилган эди. Шу туфайли Ўзбекистон Автомобил йўллар қуриш ва улардан фойдаланиш давлат акционерлик концерни автомо-биль йўллар қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компаниясига (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292 сонли Фармони) ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ Давлат автомобиль назорати инспекцияси тегишли ҳолда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги 221-37-сонли қарори) айлантирилганлиги муносабати билан ушбу қонуннинг 4,8,9 ва 15-моддаларига йўл хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларининг номини янгича ном билан алмаштиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилди.

Қонуннинг 21-моддаси 3-қисмига киритилган ўзгартиришга асосан, эндиликда тегишли тоифалардаги транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлашнинг ягона дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади. Яъни, йўловчилар ташишда иштирок этувчи транспорт ҳайдовчиларини ўқитиш, қайта тайёрлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини назарий ва амалий тарзда синовдан ўтказиш ва ҳайдовчилик гувоҳномаси беришнинг бугунги кундаги мавжуд қоидаларини такомиллаштириш, шу жумладан тегишли тоифалардаги транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлашнинг ягона дастурларини тасдиқлаш тартибини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юклатилмоқда.

Ҳозирда транспорт воситалари ҳайдовчилари Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, "Автомобиль мактаблари", "Автоҳаваскорлар клуби", транспорт йўналишидаги касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида ҳар хил муддатда, турли режа асосида ўқитиб келинмоқда. Бу эса тайёрланаётган ҳайдовчиларнинг малака ва кўникмалари савияси ва сифат даражасининг пасайишига сабаб бўлаётир. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланаётган намунавий дастурлар эндиликда яхлит ва ягона тарзда Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги томонидан тайёрланди ҳамда у Ички ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлашнинг ягона дастурларини тузишни ҳаётга татбиқ этиш нафақат ўқитишнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади, балки соҳанинг профессионал салоҳияти ошишига замин яратади ҳамда йўл ҳаракати ҳодисаларини камайтиради. Тан олиш лозимки, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларининг қўпол равишда бузилиши, транспортларнинг профессионал даражаси етарли бўлмаган ҳайдовчилар томонидан бошқарилиши натижасида фуқароларимиз жиддий зарар кўрмоқда. Мазкур Қонун нафақат ҳайдовчиларнинг малака ва билимига бўлган талабни кучайтиришга хизмат қилади, балки фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигининг гарови ҳам ҳисобланади. Ўтган 2006 йил мобайнида республикамиз автомобиль йўлларида 8862 та йўл транспорти ҳодисаси содир этилган. Шулардан 7521 таси ҳайдовчиларнинг малакасизлиги билан классификацияланган. 275 таси эса ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганлиги туфайли содир этилган. Йўл патруль инспекторлари томонидан 3.180.897 та қоидабузарлик аниқланган. Бу ҳолатлар натижасида, албатта, йўл ҳаракати иштирокчиларига турли кўринишдаги зарар ва жароҳатлар етказилган. Зеро, бу йўл ҳаракатининг барча иштирокчиларини мулоҳаза юритишга, ўз хатти-ҳаракатини ва қонунбузарликлар ортида инсон ҳаёти турганлигини ўйлашга мажбур қиладиган ҳолатдир.

Сенатнинг тўққизинчи ялпи мажлиси арафасида Хоразм вилояти йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан ҳамкорликда вилоятдаги ҳайдовчиларни тайёрлаш муассасалари раҳбарлари ва йўриқчилари иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Илмий амалий семинар тарзида ташкил этилган ушбу тадбирда йўл ҳаракати хавфсизлигига доир қонуности ҳужжатларнинг мазмунига бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ўзгартиришлар киритиш, транспорт воситалари ҳайдовчилари тайёрлаш ташкилотлари, ўрта-махсус ўқув муассасаларида ўқитишнинг сифати устидан қатъий назорат ўрнатиш, ҳайдашни ўргатиш бўйича амалий машғулотларга қўйиладиган талабларни кучайтириш, бу ишларни амалга ошириш учун эса ўқув муассасаларида замонавий автомобиллардан фойдаланишни йўлга қўйиш, уларнинг моддий техник базасини яхшилаш каби муҳим масалалар кўтарилди. Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга асос бўладиган "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини даврнинг ўзи кўрсатмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қонуни Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари хавфсизлигини таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 6 мартда қабул қилинган қарори асосида ишлаб чиқилган. У йўлларда ҳаракатланишни тартибга солишга қаратилган юқоридаги қонуннинг мантиқий давомидир. Ушбу қонуннинг асосий мақсади йўл транспорт ҳодисалари пайтида оғир оқибатларнинг олдини олиш ҳамда бундай ҳодисалар содир бўлганда жабрланувчилар сонини камайтиришдан иборат. Бунга транспорт воситалари ҳайдовчилари учун хавфсизлик камаридан мажбурий тартибда фойдаланиш талабларини жорий этиш йўли билангина эришилади.

«Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекси 125-моддасининг амалдаги биринчи қисмида ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан мотошлёмлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик белгиланган эди. Мазкур қонунга киритилган ҳамда 2007 йил 1 июлдан эътиборан кучга кирадиган ўзгартиришлар ушбу қисмни маъмурий ҳуқуқбузарликнинг янги тури билан тўлдирмоқда. Мазкур модда биринчи қисмининг янги таҳририда, масалан, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан, мотоцикл ҳайдовчиларининг эса мотошлёмлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаганлиги учун жавобгарлик белгиланди. Айни вақтда бу қисмда жарима жазолари миқдори ҳам кўпайтирилди.

Шу ўринда фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳақида ҳам тўхталиб ўтишни жоиз деб ҳисоблайман. Негаки, юксак ҳуқуқий маданият демократик жамиятнинг пойдеворидир. Ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқлари билан биргаликда бурч ва мажбуриятларини яхши билса, жамиятда қонун устуворлиги таъминланади. Зотан, қонунларимизнинг ҳаётдаги амалий ижроси бевосита фуқароларимизнинг фаоллигига, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий тарбиясининг бевосита ва билвосита шаклланишига ҳам узвий боғлиқдир.

Эгамберган КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

ШОГИРДЛИКДАН МОҲИРЛИККА

Марғилондаги "Ёдгорлик" фирмаси қошида тўқувчиликни ўргатадиган ўқув курси ўз фаолиятини бошлади. Курсга асосан каштачилик, дўппидўзлик ва умуман чеварликка қизиққан ёшлар таклиф қилинди. Ушбу курсларда ўқиб ҳунар эгаллаган қизлар шартнома асосида фирмада касаначи сифатида иш бошлайдилар.

Маълумки, "Ёдгорлик" фирмаси косиблар томонидан ипақдан тўқилган ва энг ноёб ҳисобланган атласу адраслари билан ном қозонган. "Ёдгорлик"нинг ипак матоларини ҳатто хорижий мамлакатларда ҳам яхши билишади. Бу ерда қадриятимизга айланиб қолган уста-шогирдлик анъанаси ғоят улуғланади. Фирма маҳсулотларининг сифатли ва харидоргирлиги сабаби ҳам балки шундандир. Айни пайтда курсларда таҳсил олаётган ёшлар ҳам ана шу анъанага амал қилган ҳолда фаолият юритмоқдалар.

СУРАТДА: атлас тўқувчи Фотимахон Нуриддинова иш устида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ҲАМ ТЕЖАМЛИ, ҲАМ СИФАТЛИ

Узоқ вақт аҳолига хизмат кўрсатиш тизимида меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган Хайрулла ака суҳбатлардан бирида:

— Бозор иқтисодиёти шароитида йўқни йўндириб, борни дўндириб, бирор-бир соҳада тадбиркорликнинг этагидан тутганнинг отасига раҳмат! Ўзи, оиласидан орттириб, ўзгалар рўзғорини бут қилишни ният қилган инсонларга ҳавас қилиш керак, — деди.

Фармон ва ижро

Бу гапни даврадагилар қўллаб-қувватлашди.

— Тадбиркорларнинг бошини силаётган, уларни қўллаб-қувватлаётган давлатимизнинг ўзи. Бундай эътибор ва рағбатга жавобан мактаб қураётган, йўл солаётган, кўнгли шикасталарнинг ҳолидан хабар олаётган олижаноб тадбиркорлар қанчадан-қанча. Ҳаммасининг омадини берсин, — дейишди улар.

Тадбиркор Ўктам Ғуломов — шулардан бири. Олмалиқдаги троллейбус парки инқироз ёқасига келиб қолганида, у қонунчиликда белгиланган тартибда, яъни 150 млн. сўм инвестиция киритиш мажбуриятини олиб, бошқарувни қўлга олди. Ўшанда корхонада 22 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилар, шаҳар аҳолисига эса биттагина тролейбус хизмат кўрсатарди.

Янги раҳбар ишни бошқарув усулининг асосий томойилларидан бири — ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатни камайтиришдан, шунингдек, манфаатдорлик муҳитини вужудга келтиришдан бошлади. Саъй-ҳаракатлар бесамар кетмади. Унинг етакчилигида "Tash-Kva Transservis" масъулияти чекланган жамияти қисқа вақт ичида иқтисодий ўнгланиш палласига юз тутди. Албатта, ташаббускорликка, тежамкорликка қўл урилгани ютуқлар омили бўлди. Мисол учун, авваллари троллейбусларнинг ҳар бири пойтахтдаги таъмирлаш корхонасида 28 млн.сўмнинг нари-берисида қўлдан чиқарилар эди. Жамоа изланиб, имкон топиб, уларни ўз кучи билан, аниқроғи, 7 млн. сўм сарфлаб таъмирдан чиқарди ва 6 та троллейбус олмаликликларга бир маромда транспорт хизмати кўрсата бошлади. Эътиборлиси, хизмат кўрсатиш маданияти юксалган сайин ойлик тушум кўрсаткичлари ўсиб, 4-5 млн. сўмни ташкил этди. Яна бир муҳим жиҳат: Олмаликда бошқа турдаги транспортларда йўлкира ҳақи 200-250 сўм бўлса, троллейбусда манзилга етиш учун 100 сўм кифоя.

— Президентимизнинг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, муайян ишларни амалга ошираяпмиз, — дейди корхона раҳбари Ўктам Ғуломов. — Маълумки, мамлакатимизнинг оғир ва енгил саноатида транспортёрлар муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бундай техника воситалари ва эҳтиёт қисмларнинг аксарияти хориждан валютага сотиб олинади. Шу боис корхонамиз қошида "Ролик Пласстандарт" очиқ турдаги жамиятини ташкил этиб, транспортёрлар учун 50 турдаги ролик ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Арзон, бунинг устига, сифатли маҳсулотларимизга харидор тез топилди. "Оҳангаронцемент" акциядорлик жамияти билан ўтган йили 85 млн. сўмлик роликлар ва 5 млн.248 минг сўмлик бошқа эҳтиёт қисмлар етказиб бериш бўйича шартнома имзолагандик, уни тўлиқ бажардик.

Мамлакатимиздаги йирик корхоналар, хусусан, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти ва бошқа ишлаб чиқариш субъектларига ҳам маҳсулотларимиз маъқул тушмоқда.

Бугина эмас. Ишлаб чиқаришда катта эҳтиёж сезиладиган электрографит чўтка авваллари Россиядан келтирилар эди. Яқиндан бошлаб эса корхонанинг янги цехида ушбу маҳсулотни ҳам ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Юқори технология асосида ишланган ва фойдаланиш муддати узоқ бўлган бу маҳсулот истеъмолчилар эътиборини қозонди. Муҳими, бугунги кунда бу кичик корхона мамлакат ички бозорини импорт ўрнини босувчи 100 хил ассортиментдаги маҳсулот билан бойитмоқда. Бундан ташқари, корхона қошида тез орада "Диагностика маркази" ва автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш шохобчаси ҳам фаолият юрита бошлайди. Ушбу хизмат кўрсатиш тизимлари тўлиқ ишга туширилгач, жамоада меҳнат қилаётган 90 нафар ишчи сафига яна 60 нафар олмаликлик ёшлар қўшилади.

Маълумотларга қараганда, Олмалиқ шаҳрида дизель ёнилғисида ишловчи транспорт тури ортиб бораяпти. Бу турдаги ёнилғи бензинга қараганда атмосферага 3-3,5 баробар кўп ис газини чиқазади. Атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш ва аҳолига қулай транспорт хизматини кўрсатиш мақсадида корхона маъмурияти бензин ёнилғисида ишлайдиган йўналишли таксилар хизматини йўлга қўйиш чораларини изламоқда.

Халқда "Бошланган ҳар қандай хайрли ишнинг натижаси ҳам хайрли бўлади", деган нақл бор. Шу маънода, Олмаликда бошланган бунёдкорлик, яратувчанлик ҳаракатларининг самараси ҳам шундай бўлишига ишонамиз.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Саховатли заминимизда етиштирилган мева-сабзавот ва улардан тайёрланган маҳсулотларга дунё бозорида талаб тобора ортмоқда.

ЭЪТИБОР — ЯНГИЛИККА УНДАМОҚДА

Юртимизда мева-сабзавот, узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ҳамда экспорт қилишда Президентимизнинг 2006 йил 11 январда қабул қилинган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Хусусан, Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги "Солиҳ" фермер хўжалиги ўтган йили 5 гектар боғнинг ҳар гектаридан 10 тоннадан олхўри, нок, гилос ва олма олишга эришди. Бухоро вилояти, Бухоро туманидаги "Фаттоҳ-Фурқат" боғдорчилик фермер хўжалиги 1,7 гектар ердан 20 тоннадан ортиқ ҳосил етиштирилди. Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги "Жаҳон" фермер хўжалигида эса уч гектар майдонда зайтун кўчатлари парвариши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимизда ҳар йили саккиз миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Аммо шунча маҳсулотнинг атиги 10 фоизи янги узилган ҳолда экспорт қилинади. Мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг сифати ташиш асносида ва ноқулай об-ҳаво шароитида тез бузилади. Чораси борми?

— Бор, — дейди Хоразм вилояти, Шовот туманидаги «Қоратойагро» агрофирмаси раҳбари Нуриддин Бекжонов. — Юз гектар ерда деҳқончилик қиламиз. Гоҳида пишиб етилган ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олишга улгуролмай қоламиз. Бу эса ортиқча харажат, исрофгарчиликка сабаб бўлади. Шу боис учта фермер хўжалиги бирлашиб, консерва заводи қурдик. Натижада ўн олти киши ишли бўлди. Бир мавсумда 40 миллион сўмлик маҳсулотни қайта ишладик.

Сўнгги йилларда юртимизда мева-сабзавотни қайта ишловчи юзга яқин қўшма корхона ташкил этилди. Жаҳондаги етакчи мамлакатлар технологияларидан ҳамда сармояси иштирокида фаолият юритаётган бу корхоналарнинг имконияти тобора кенгайиб бормоқда.

Таъкидлаш керакки, бу лар аграр тармоқда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, боғбону соҳибкорларимиз учун юртимизда яратилган кенг шароит туфайли эришилаётган ютуқлардандир.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

ЙОД + ОЗИҚ-ОВҚАТ = САЛОМАТЛИК

Мутахассисларнинг таъкидлашича, айни пайтда ер юзида 760 миллион нафардан ортиқ кишида йод танқислиги кузатилаяпти. Бу маълумот "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган "Узбекистонда йод танқислиги касалликлари ва унинг олдини олиш" мавзуида илмий-амалий семинарда тилга олинди.

■ Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, вилоятлардаги тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари шифокорлари иштирок этган ушбу тадбирда йод танқислиги бўйича мамлакатимиздаги бугунги вазият, айниқса, унинг она ва бола соғлиғига таъсири хусусида етакчи мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Аҳоли ўртасида йод витаминлари, йодланган маҳсулотларни истеъмол қилишни тарғиб этиш, бу борадаги муаммоларни ечиш лозимлиги сўзга чиққанлар томонидан алоҳида таъкидланди. Улар айниқса, ош тузи билан бирга бошқа истеъмол маҳсулотларини ҳам йодлаш кераклиги, энг муҳими, йод танқислигининг салбий оқибати ҳақида халқимизга тўғри тушунтиришлар бериш лозимлигини қайд этишди.

Қобил ХИДИРОВ.

Франция бўлиб ўтадиган президентлик сайловларига саноқли кунлар қолди. Ҳозирча мамлакат раҳбарлиги учун ўн икки номзод кураш олиб бормоқда. Таҳлилчиларнинг таъкидлашича, уларнинг учтаси президентликка асосий даъвогар ҳисобланади. Чунки мамлакатда ўтказилаётган сўровномаларда аҳолининг аксар қисми шу уч номзод учун овоз бериши кутилаяпти.

Франция: САЙЛОВОЛДИ МАРАФОНИ



Хўш, улар кимлар? Аҳоли нима учун бу номзодларга овоз бермоқчи?

Le journal du Dimanche газетаси учун Жамоат фикрини ўрганиш Франция институти ўтказган махсус сўровнома натижаларига қараганда, ҳозирча мамлакатнинг собиқ ички ишлар вазири Николя Саркози тарафдорлари 28 фоизни ташкил этиб, у биринчи ўринни эгаллаб турибди. Кейинги ўринда эса «Социалистик партия» вакили Сеголен Руаяль хоним бормоқда. Унинг номзодини сайловчиларнинг 26,5 фоизи қўллаб-қувватлаши мумкин.

Президентлик учун курашишда юқоридаги икки номзодга «Франция демократик Иттифоқи» партияси раҳбари Франсуа Байру рақобатлаша олади. Сўровнома натижаларига кўра 21,5 фоиз сайловчилар унга овоз бериши мумкин.

Сайлов куни яқинлашган сайин унинг атрофидаги гапсўзлар ҳам кўпайиб бораяпти. Мамлакатда рўй бераётган ҳар бир воқеага шу нуқтаи назардан ёндошилмоқда. Масалан, 27 март куни Париж метросида чиптасиз йўловчи туфайли полиция ва аҳоли ўртасида юз берган тўполондан Саркози рақиблари фойдаланиб қолишга уринишди. Чунки Саркози яқингача ички ишлар вазири эди. Бундан ташқари, у ҳамиша қатъий тартиб тарафдори бўлган. Николя Саркози президент бўлса, иқтисодий ислоҳотлар билан бирга, мамлакатда темир интизом ўрнатмоқчи.

Николя Саркози мустақил фикрга эга раҳбар. У 2004 йилда мамлакат президенти Жак Ширакни «Халқ ҳаракати учун иттифоқ» партияси раҳбарлигидан кетишга мажбур қилган эди. Шундай бўлса-да, яқинда амалдаги президент мамлакат телевидениесида расмий чиқиш қилиб, сайловда партиядоши Саркозини қўллаб-қувватлаяжагини билдирди. Францияда мамлакат раҳбарининг қайси номзод тарафида туриши жуда муҳим аҳамиятга эга. Сиёсатчилар Ширакнинг бу чиқишидан сўнг Саркози тарафдорлари яна ҳам кўпайиши мумкин деб тахмин қилишмоқда.

«Социалистик партия» вакили Сеголен Руаяль сайловолди дастурида кўплаб ижтимоий масалаларни олға сурган. Масалан, у президент бўлса ишсизлик учун берилади**ган нафақаларни, қарилик пенсияларини кўпайтирмоқчи.** Бундан ташқари, ёрдамга муҳтож оилалар учун 120 мингта уй қурмоқчи.

Шарҳ

«Франция демократик Иттифоқи» партияси раҳбари Франсуа Байру эса иқтисодий ислоҳотлар билан бирга, жамиятни жипслаштириш учун курашмоқчи. Унинг таъкидлашича, мамлакатни ўнглар ва сўлларга бўлиш даври ўтди. Мамлакатдаги ҳамма кучлар бирлашсагина Франция кучли давлатга айланади. Шунинг учун у президент бўлса, бош вазирликка Социалистик партия вакилини кўрсатмоқчи. Албатта, бунинг замирида қандай мақсад ётгани барчага аён. У социалистларни ҳам ўзига оғдирмоқчи.

Маълумки, номзодлар орасида ўзининг миллатчилик сиёсати билан ном қозонган Жан-Мари Ле Пен ҳам бор. У ўз дастурида давлат раҳбари бўлса барча муҳожирларни мамлакатдан чиқариб юбориш ғоясини олға сурмоқда. Шунинг учун ҳам унинг тарафдорлари жуда камайиб кетди. Ваҳоланки, у аввалги президентлик сайловида иккинчи турга чиққан ва юқоридаги қарашлари туфайли бор-йўғи 18 фоиз овоз олган эди. Лекин у бундан хулоса чиқариб олмаган кўринади.

Мутахассисларнинг фикрича, қолган номзодлар сайловда икки-беш фоиз атрофида овоз олади. Лекин уларнинг тарафдорлари иккинчи турда (агар иккинчи тур бўладиган бўлса) ким томонга ўтиши кўп нарсани ҳал этиши мумкин.

Францияни кейинги етти йилда ким бошқариши нафақат французлар, балки бошқа давлатларни ҳам қизиқтирмоқда. Сабаби Франция Европанинг марказида жойлашган. Европа Иттифоқида ҳам унинг фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун Франциядаги сайловолди жараёнини Россия, Буюк Британия, АҚШ, Хитой, Япония, Ҳиндистон каби давлатларда, жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам катта қизиқиш билан кузатишмоқда. Биз француз халқи ўзига муносиб номзодни мамлакат президентлигига сайлашига ишонамиз.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Янги вирус хавфи



Буюк Британиянинг Хэмпшир графлигидаги Қироллик ва Уайт оролидаги Авлиё Мэри шифохоналарида даволанаётган 100 нафарга яқин бемор кутилмаганда Novovirus номли вирус билан касалланишди.

Беморларда ич кетиш ва қусиш ҳолатлари кузатилаяпти. «Новости» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, икки шифохонада ҳам карантин эълон қилинган.

Графлик ва орол ўртасидаги масофа 40 километрни ташкил этади. Мутахассислар ҳозир улар ўртасида қандай боғлиқлик борлигини ўрганишмоқда.

Яшил бойлик таланмоқда

Ёғоч саноати билан шуғулланадиган Европа ва Америка компаниялари Конгонинг катта ҳудуддаги ўрмонларини эгаллаб олишди.

Халқаро Greenpeace ташкилоти эълон қилган маърузада айтилишича, собиқ ҳукумат даврида 20 та компания билан 150 та шартнома тузилган. Уларнинг кўпи сохта. Ҳозирги кунда 21 миллион гектар ердаги ўрмонлар йўқ бўлиб кетиш арафасида. Германия, Португалия, Бельгия ва АҚШ компаниялари ўрмонларни қирқиб ташиб кетмоқда.

Экологлар ташвиши

Греция қирғоқларида бортида 1600 нафар йўловчи бўлган «Си Даймонд» кемаси ҳалокатга учрагани ҳақида аввал хабар берган эдик. Экспертлар кемани чўкиб кетишига экипаж аъзолари айбдор деган хулосага келишди. Кема капитани ва беш нафар экипаж аъзоси қамоққа олинди.

Кеманинг чўкиши экологларни ҳам ташвишга солмоқда. Гап шундаки, кемада 400 тонна ёнилғи бўлган. У денгизга чиқиб кетгудек бўлса, яқин атрофдаги дам олиш масканларига жиддий зарар етказиши мумкин.

Қандаҳордаги фожиа

Афғонистонда канадалик икки аскар ҳалок бўлди. Улар минган машина Қандаҳор шаҳри яқинида минага учраган ва портлаб кетган. Портлаш оқибатида яна уч аскар оғир жароҳатланган.

Ўша куни Қандаҳор шаҳри яқинида яна бир теракт содир этилди. Террорчи портловчи модда ортилган машина билан Канаданинг ҳарбий юк машинасига келиб урилган. Натижада 10 нафар тинч аҳоли ҳалок бўлган. Аскарлар талафот кўрмаган.

Ироқ парламентида портлаш

Кеча Ироқ парламенти биносида кучли портлаш рўй берди. Маълумотларга кўра, қупорувчилик оқибатида камида 2 нафар депутат ҳалок бўлган, ўндан ортиғи жиддий жароҳатланган.

Маҳаллий телевидениенинг хабарларига қараганда, парламентнинг техник ходимлари, қўриқчилари орасида ҳам жароҳатланганлар бор. Ҳозирча Ироқдаги бирорта террорчи гуруҳ бу ҳунрезликни ўз зиммасига олмади. Reuters ахборот агентлиги Ироқ ҳукуқни ҳимоя қилиш органларидан олинган маълумотга таяниб, теракт террорчи-камикадзе амалга оширган, деган хабарни тарқатди.

Эслатиб ўтамиз, террорчилик парламент ресторанида депутатлар тушлик қилаётган пайтда содир этилди.

«The Forbes»: энг бой ким?

«The Forbes» журнали дунёнинг энг бой кишилари рўйхатини эълон қилди. Microsoft компанияси раҳбари Билл Гейтс ҳамон рўйхатнинг биринчи ўрнини банд этиб турибди. Унинг бойлиги 56 миллиард долларни ташкил этади. Март ойида эълон қилинган рўйхатда иккинчи ўринни эгаллаб турган Уоррен Беффетни мексикалик телекоммуникация магнати Карлос Слим Элу қувиб ўтди. Унинг бойлиги 53,1 миллиард доллар деб баҳоланмоқда. Беффет эса 52,4 миллиард долларлик сармояси билан рўйхатнинг учинчи ўрнидан жой олди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги ПҚ-407 сонли қарорига мувофиқ

«GIDROMAXSUSQURILISH» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 44% АКЦИЯЛАР ПАКЕТИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

«GIDROMAXSUSQURILISH» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 44 (қирқ тўрт) фоизини ташкил этувчи 29 805 (йигирма тўққиз минг саккиз юз беш) дона оддий акциялари сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси – 766 300 (етти юз олтмиш олти минг уч юз) АҚШ доллари. «GIDROMAXSUSQURILISH» ОАЖнинг 44% акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва корхонанинг инвестицион эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади. Корхонанинг инвестицион эҳтиёжи 1 546 000 (бир миллион беш юз қирқ олти минг) АҚШ долларини ташкил қилади.

«GIDROMAXSUSQURILISH» ОАЖ 1961 йилда ташкил топган. «GIDROMAXSUSQURILISH» ОАЖнинг асосий фаолиятлари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳамда ундан ташқарида барча мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотларга, шунингдек, жисмоний шахсларга объектлар қуриш ва комплекс бўлган махсус қурилиш ва монтаж ишларини, шу жумладан туннел қазиш, бурғулаш-портлатиш, гидротехника ва бошқа махсус умумий қурилиш ишларини амалга оширишдан иборат.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Саволлар билан қуйида келтирилган манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 12 июнда Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.

Тендер таклифларини очиш 2007 йил 12 июнда Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:

Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, 700003, Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.

Бош директор Фозилжонов Эркинжон Собиржон ўғли эътиборига.
Телефон: +998 (71) 139-22-51.
Факс: +998 (71) 139-22-79.
Эл.почта: ccpbuz@tps.uz

INVITATION TO TENDER

STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

based on the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan #PP-407 dated July 10, 2006

THE OPEN TENDER FOR PRIVATIZATION SALE OF THE 44% SHARE PACKAGE OF JOINT STOCK COMPANY "GIDROMAXSUSQURILISH"

29 805 (twenty nine thousand eight hundred five) shares of common stock of the JSC "GIDROMAXSUSQURILISH" constituting the aggregate of 44% of the Company's total issued shares being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is not less than **766 300** (seven hundred sixty six thousand three hundred) US Dollars. At that, the preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 44% of shares of the Company and to take upon the highest value of investment obligations based on the volume of enterprise's investment requirements. The enterprise's investment requirements are 1 546 000 (one million five hundred forty six thousand) US Dollars.

JSC "GIDROMAXSUSQURILISH" was founded in 1961. The main activities of enterprise are construction of the objects for enterprises and organizations of all property forms including entities implementation of timely and qualified orders on complex works on specific construction and installation works, including tunnel, drilling, hydro technical and other special construction works in the territory of the Republic of Uzbekistan and abroad.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact the address indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on June 12, 2007.

Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on June 12, 2007.

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedures, have the right to participate at the opening of the packages with tenders Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

The Work Body of the State Property Committee:

CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau
State Property Committee Bldg.,
17th Floor Uzbekistanskaya str. 55,
700003 Tashkent, Uzbekistan

Attention: Mr. Erkinjon S. Foziljonov Director General
Telephone: +998 (71) 139 22 51
Fax: +998 (71) 139 22 79
E-mail: ccpbuz@tps.uz

ТЕНДЕР МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

қуйидаги эълон қилинган тендер бўйича тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 12 июнгача узайтирилганлигини маълум қилади.

«Алгоритм» дам олиш масканининг бошланғич баҳоси камида 70 000 (етмиш минг) АҚШ долларини ҳамда инвестицион мажбуриятлари камида 201 000 (икки юз бир минг) АҚШ долларини ташкил этади. Дам олиш маскани Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Хумсон қишлоғида жойлашган бўлиб, ҳудуди 5 га.ни ташкил этади.

Мазкур объектга энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устунликка эга бўлади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризаси ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйидаги манзилдан бирига мурожаат этиш мумкин.

Маълумотнома, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганидан кейин, шуниндек, Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

